

МАМЛАКАТИМИЗДА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИГА ЮҚОРИ БАҲО БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ижрочи директори Кэтрин Расселни қабул қилди.



БМТ тизимидаги ушбу етакчи ихтисослашган институт билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида ЮНИСЕФ раҳбари Ўзбекистон етакчисига БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг самимий саломини етказди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижаларига юқори баҳо берилиб, болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва имкониятларини кенгайтириш соҳасидаги миллий дастур қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон ва ЮНИСЕФ ўртасидаги ҳамкорлик кейинги йилларда юксак даражага чиққани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ташкилот қўмағида мамлакатимизда болаларни эъронлиқдан ҳимоя қилиш бўйича қонун, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва болалар онкологиясига қарши курашиш соҳасида стратегик ҳужжатлар қабул қилинди. Коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцинация тизимини ривожлантиришга қўмаклашилди.

Қонунчиликни такомиллаштириш, болаларни парвариш қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этиш, ижтимоий хизмат ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, миллий стандартларни ишлаб чиқиш, ижтимоий сўғуртани кенгайтириш, инклюзив таълимни ривожлантириш ва бошқа устувор йўналишларда қўша чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

2030 йилгача мўлжалланган янги Мамлакат дастурини қабул қилиш, шунингдек, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини илгари суриш масалалари бўйича қатор халқаро тадбирларни биргаликда ўтказишга келишиб олинди.

ИТАЛИЯ БОШ ВАЗИРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони 28-29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Саммит давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 7-9 июнь кунлари Италияга расмий ташрифи давомида эришилган келишувларга мувофиқ ўтказилади.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокара-ларда Ўзбекистон — Италия стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали

ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқиладди.

Инновацион ҳамкорлик ва гуманитар алмашинув лойиҳаларини илгари суриш диққат марказида бўлади.

Яқунда икки томонлама битимлар тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

ЎЗБЕКИСТОН — ИТАЛИЯ: БАҲОРАР РИВОЖЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

Италия Бош вазири Жоржа Мелони 28-29 май кунлари Ўзбекистонда бўлади

Ушбу ташриф 1992 йил март ойида бошланган Ўзбекистон — Италия муносабатларининг замонавий тарихида муҳим босқич бўлади. Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши биланок Тошкентда Италия элчихонаси, 1998 йилда эса Римда Ўзбекистон ваколатхонаси очилди.

ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ АҲОЛИ ТУРМУШ СИФАТИ УЧУН МУҲИМ

Давлатимиз раҳбарига ичимлик сув ва оқова тармоқларини кенгайтириш борасидаги ишлар юзасидан ахборот берилди.

Аҳолининг турмуш сифати ва саломатлигида фоят муҳим бўлган бу йўналиш изчил кенгайтириб боришмоқда. Ижтимоий ва ҳудудий дастурлар доирасида кўплаб иншоотлар барпо этилмоқда. Ҳозирга келиб, аҳоли мавзелирининг 81 фоизи ичимлик сув, 20 фоизи оқова тизими билан таъминланган.

Бу йил 1 минг 619 километр ичимлик сув, 521 километр оқова сув тармоқларини тортиш, 162 та иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Буларнинг натижасида 715 минг аҳолига илк бор марказлашган ичимлик сув етиб боради, яна 400 минг нафари оқова хизмати билан қамраб олинади.

Мутасаддилар шу борадаги ишларнинг бажарилиши бўйича ахборот берди.

Халқаро молия институтлари иштирокида 21 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу йил 800 миллион долларлик ишларни бажариб, 138 та сув иншоотини ишга тушириш режалаштирилган.

Осиё тараққиёт банки ва Германия тараққиёт банки билан лойиҳа олдиди молиялаштириш бўйича яхши тажриба йўлга қўйилди. Бунда пудратчи ва лойиҳачи олдидан танлангани ичун амалий ишлар бошланиши тезлашди. Келгусида барча лойиҳаларда

ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев темир йўллари ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдирот билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ, бу соҳа тубдан ислоҳ қилинмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибий жиҳатдан ўзгартирилиб, носоҳавий бино, ёндош ер ва ортиқча вазибалар қисқартирилди. Натижада илгари зарар билан ишлаган компания ўтган йили 47 миллиард сўм соф фойда билан чиқди. “Temiryo‘lkargo” компанияси ташкил этилгач, юк вагонларидан фойдаланиш самарадорлиги 2 қарра ошди.

Лекин ҳали имкониятлар кўп. Тақдиротда соҳа инфратузилмасини ривожлантириш ва даромадни ошириш вазибалари кўрсатиб ўтилди. Хусусан, транзит юкларини ташиш қувватидан тўлиқ фойдаланилмапти. Буни келгуси йилларда 40 фоизга ошириш орқали даромадни 2 қарра кўпайтириш мумкин.

Масалан, илк бор Хитой — Туркия йўналиши бўйича юк поездлари қатнови йўлга қўйилди. Юртимизга янги поездлар олиб келиниб, қатновлар йилдан йилга кўпаймоқда. Шу боис, темир йўл инфратузилмаси ўтказувчанлигини изчил ошириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Бу масала, айниқса, Тошкент атрофида долзарб. Ҳозир ташки юкларнинг 70 фоизи “Чукурсой” станцияси орқали ташилмоқда. Баъзан бунга бир неча кун вақт сарфланиб, ортиқча харажат ва навбатга сабаб бўляпти.

Шу боис, юк станцияларини пойтахт ҳудудидан ташкарига чиқариш, Янгийўл тумани ва Янги Тошкент яқинида йирик станциялар барпо этиш таклиф қилинмоқда. Шунингдек, пойтахт тизимини айланиб ўтувчи “Озодлик — Янгир” темир йўли қурилиши кўзда тутилган. Натижада Фарғона водийси билан бошқа вилоятлар

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ҚАТЪИЙ ИЖРО ИНТИЗОМИ — ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда олий таълим соҳасидаги туб ислохотлар янги Ўзбекистон тараққиётининг ёрқин ифодасидир. Президентимиз раҳбарлигида таълимни миллий тараққиётнинг юрагига айлантириш мақсадида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар халқимизни руҳлантирмоқда, юракларга ишонч бағишламоқда. Бу келажақ авлодни етук, мустақил фикрлайдиган, рақобатбардош шахслар этиб тарбиялашга қаратилган буюк мақсаддир.

Ижро интизоми ва шахсий масъулият — ислохотларнинг юраги

Бугун олий таълим фақат аудитория билан чекланиб қолмапти. У миллий тараққиёт, маънавий юксалиш ва инновацион

салоҳиятни юзага чиқараётган кучли омилга айланмоқда. Бу жараёнда Президентимиз томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро

этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, шунингдек, 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳар бир раҳбар ва давлат хизматчисидан юксак шахсий масъулият ва интизом талаб этилади. Ислохотларнинг муваффақияти айнан шу омилларга боғлиқ; шахсий масъулият ва ўз вазифасига садоқат билан ёндашиш бугуннинг талабидир.

Вазирликка “Ijro.gov.uz” тизими орқали 2024 йилда бажарилиши лозим бўлган 3382 та топшириқ келиб тушган. Шундан 1 таси Ўзбекистон Республикаси қонундаги, 532 таси Президент фармонларидаги, 2301 таси Президент қарорларидаги, 20 таси Президент фармойишларидаги ҳамда

528 таси Президент йиғилишлари баёнидаги топшириқлардир. Ушбу топшириқларнинг барчаси вазирлик томонидан ўз муддатида бажарилган.

Шунингдек, “Ijro.gov.uz” тизими орқали вазирликка 2025 йил январь-май ойларида 1226 та топшириқ келиб тушган. Шундан:

- 1 таси Ўзбекистон Республикаси Қонундаги топшириқлар;
- 220 таси Президент фармонларидаги топшириқлар;
- 822 таси Президент қарорларидаги топшириқлар;
- 13 таси Президент фармойишларидаги топшириқлар;
- 170 таси Президент йиғилишлари баёнидаги топшириқлар бўлиб, барчаси ўз муддатида бажарилди.

Давоми 3-бетда

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ УЧУН БИРЛАШГАН ЖАМИЯТ БОЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА





2025 йил 28 май, 107-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН — ИТАЛИЯ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

Бошланиши 1-бетда

2021 ва 2023 йиллардан буён Флоренция ва Миланда Ўзбекистоннинг фахрий консуллиги институтлари фаолият кўрсатмоқда. Бу институтлар эса халқ ва иқтисодий дипломатияни мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 8-9 июнь кунлари расмий ташриф билан Италияда бўлди. Ташриф якунлари бўйича икки давлат ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қўшма декларация қабул қилинди.

Уша йилнинг 9-11 ноябрь кунлари Италия Президенти Сержо Маттарелла расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Сиёсий мулоқот фаол қўллаб-қувватланмоқда ва юқори даражада давом эттирилмоқда. 2019 йил декабрь ва 2021 йил сентябрь ойларида Ўзбекистон ва Италия ташқи ишлар вазирлари ўзаро ташриф алмашишди. 2024 йил май ойида эса Римда бўлиб ўтган Италия — Марказий Осиё учинчи вазирлар конференцияси доирасида учрашувлар ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, Рим Европанинг 2019 йилда вазирлар даражасида ушбу мулоқотни ўрнатишни бошлаган биринчи давлати эди.

Бундан ташқари, икки давлат ташқи сиёсат идоралари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Парламентлараро ҳамкорлик ҳам изчил ривожланипти. Хусусан, 2011 йилдан буён Италия парламенти Депутатлар палатаси ва Сенати билан ҳамкорлик қилиш бўйича Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида дўстлик гуруҳлари фаолият юритмоқда. 2012 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Италия парламенти Депутатлар палатаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

2023 йил апрель ойида Италия парламентида Италия — Марказий Осиё дўстлик гуруҳи тузилди.

Италия парламентининг Сенат Халқаро ишлар қўмитаси раиси, Италия Парламентлараро ассамблеяси фахрий президенти Пьер Фердинандо Касини бошчилигидаги делегацияси 2025 йил 5-9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифокнинг 150-ассамблеясида фаол иштирок этди.

Ўзбекистон ва Италия халқаро ташкилотлар — БМТ, ЕХХТ, Европа Иттифоқи ва бошқа тузилмалар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қияпти. Италия Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимни тузиш борасидаги сайёҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, томонлар, минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган Италия — Марказий Осиё мулоқоти доирасида ҳам фаол ҳамкорликни йўлга қўйган.

“

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил июнь ойида Италияга ташрифи муносабати билан Римда икки томоннинг 200 дан ортиқ тadbirkor ва компанияси вакиллари иштирокида Ўзбекистон — Италия бизнес форуми бўлиб ўтди. Бизнес форум якунлари бўйича жами 9,2 миллиард еврога тенг 38 та инвестициявий битим, технологик ҳамкорлик тўғрисидаги 13 та битим ҳамда 13 та экспорт шартномаси имзоланди.

Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги савдо-иқтисодий шериклик изчил ривож топмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2017 йилдаги 172,2 миллион доллардан 2024 йилда қарийб 438 миллион долларга етди. Бунга мамлакатлар ўртасида амалда бўлган энг қулай савдо режими, шунингдек, мамлакатимиз 2021 йилда бенефициарига айланган Европа Иттифокнинг

“GSP+” имтиёзли тизими кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

1992 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Савдо, иқтисодиёт ва саноат ҳамкорлиги ва экспорт кредитлари масалалари бўйича Ўзбекистон — Италия ҳукуматлараро ишчи гуруҳи ҳам икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш ва шериклиқни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этапти.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил июнь ойида Италияга ташрифи муносабати билан Римда икки томоннинг 200 дан ортиқ тadbirkor ва компанияси вакиллари иштирокида Ўзбекистон — Италия бизнес форуми бўлиб ўтди. Бизнес форум якунлари бўйича жами 9,2 миллиард еврога тенг 38 та инвестициявий битим, технологик ҳамкорлик тўғрисидаги 13 та битим ҳамда 13 та экспорт шартномаси имзоланди.

Ўзбекистон Президенти ушбу мамлакатга ташрифи чоғида Италиядаги йирик компания ва саноат бирлашмалари раҳбар-

лари билан ҳам учрашув ўтказди. Мулоқот Милан шаҳрида давра суҳбати форматида бўлиб ўтди.

2023 йилнинг 7-8 сентябрь кунлари Италия қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат суверенитети ва ўрмон хўжалиги вазирини Франческо Лоллобрижиди ҳамда Италия ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазирини ўринбосари Эдмондо Чириелли ФАО

шафелигида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференцияда иштирок этди. 2024 йил октябрь ойида эса Римда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирини ўринбосари Алишер Шукуров Италия қишлоқ хўжалиги вазирини Франческо Лоллобрижиди билан учрашди.

Ўзбекистон тadbirkorлари Италияда ўтказиб келинаётган “Tuttofood”, “Macfrut”, “Simac Tanning Tech”, “TTG Rimini” ва “Artigiano in Fiera” каби халқаро кўргазмаларда мунтазам иштирок этапти.

Ўзбекистонда Италия инвестицияси иштирокидаги 55 та корхона, жумладан, 24 таси 100 фоиз хорижий сармоя асосида фаолият юритади. Италиянинг 9 та компанияси, шунингдек, Италия — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ваколатхоналари Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида аккредитациядан ўтган.

Италия инвестиция ва технологиялари иштирокида мамлакатимизда газ тақсимлаш тизимларини модернизация ва реконструкция қилиш, ҳашаматли темир йўл круизларини йўлга қўйиш, Жиззах вилоятида заъфарон етиштириш, чорвачилиқни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга ошириляпти.

2023 йил март ойидан бошлаб Тошкент, Милан ва Рим шаҳарлари ўртасида тўғридан тўғри авиакатновлар йўлга қўйилгани ишбилармонлик алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этапти.

Мадааний-гуманитар ҳамкорлик Ўзбекистон — Италия муносабатларининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Хусусан, 1998 йил сентябрь ойида мамлакатимизда Ўзбекистон — Италия дўстлик жамияти ташкил этилди.

Ўзбекистонда Турин ва Пиза университетлари филиаллари муваффақиятли фаолият юритмоқда. 2023 йилда Бухорода Луиджи Ванвители номдаги Кампания университетининг филиали очилди. 2024 йил сентябрь ойида Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Ўзбекистоннинг

45 ва Италиянинг 23 та олий ўқув юрти раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон — Италия биринчи ректорлар форуми муваффақиятли ўтказилди.

2025 йил 25 апрель кунин Самарқанд шаҳрида икки давлат олий таълим муассасалари ректорлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди ва тadbirkor доирасида фан ва таълим соҳасига оид 6 та ҳужжат имзоланди.

“

2024 йил Италияда Ўзбекистонга бағишланган кўплаб маданий тadbirkorлар ўтказилгани билан ёдда қолди. “Ўзбекистон: саҳродаги авангард” кўргазмаси 2024 йилнинг 15 апрелидан 30 июнига қадар Флоренцияда ва 2024 йилнинг 16 апрелидан 30 июнига қадар Венециядаги Ка Фоскари университетиди бўлиб ўтди. Шунингдек, 4-9 декабрь кунлари Рим, Милан ва Виарежио шаҳарларида Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди.

Италия вакиллари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Эътиборлиси, Италия вакиллари бир неча бор ушбу нуфузли фестивалнинг Гран-при ва махсус совринларини қўлга киритган.

Ўз навбатида, 2018 йилда Римда бўлиб ўтган “Азиятика” XIX халқаро Осиё фильмлари кинофестивалида “Тоҳир ва Заҳра” фильми жаҳон киноси ривожига, умуминсоний қадриятларни тарғиб этишга қўшган ҳиссаси учун махсус диплом билан тақдирланди.

Кетма-кет бешинчи йилдирки (2021 йилдан 2025 йилгача), Ўзбекистон миллий павильони Венециядаги Халқаро архитектура ва санъат биеннаレスининг италиялик ва хорижлик меҳмонлари орасида катта муваффақиятга эришяпти. Яна бир эътиборга молик янгилик шу йил 8 май кунин 19-Венеция халқаро архитектура биенналесида Ўзбекистон миллий павильони очилгани бўлди.

Икки давлат ўртасида спорт соҳасидаги алоқалар ҳам мустаҳкамланиб борапти. Хусусан, Италияда ўзбек миллий курашига қизиқиш жуда юқори, шу боис, мазкур мамлакатда Ўзбек кураши академияси ташкил этилган. 2024 йилнинг 23-24 июль кунлари Римда кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун халқаро турнир ўтказилди. Унда 17 давлатдан 33 полвон ўзаро беллашди.

Ўз навбатида, Тошкентда Италиянинг “Ювентус” футбол клуби академияси фаолият юритапти. Шунингдек, Ўзбекистон ва Италия от спортини ҳамда велоспорт федерациялари ўртасида яқин алоқалар ўрнатилган.

Шу тариқа томонлар мулоқотни чуқурлаштириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва гуманитар алмашинувни ривожлантиришдан манфаатдор эканини намоён қияпти. Бу Ўзбекистон — Италия стратегик шериклигини конструктив ҳамкорлик намунасига айлантирмоқда.

Айтиш жоизки, Италия Бош вазирини Жоржа Мелонининг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи икки томонлама муносабатларини янада чуқурлаштиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Ташриф, шунингдек, аввал олий даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим босқич бўлиши ҳамда Ўзбекистон — Италия шериклиги орқали Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги барқарор алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўиш ва ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга янги суръат бағишлаши кутилмоқда.

“Дунё” АА



1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунин

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ УЧУН БИРЛАШГАН ЖАМИЯТ БОЛАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА



Марат СОДИҚОВ,
Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди ижрочи директори

Мамлакатимизда барча соҳалардаги, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги кенг қўламли ислохотлар, ижтимоий ҳимоя механизмлари келажагимиз давомчилигини фаворон ҳаёт кечирishi таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Хар бир бола халқнинг келажаги, миллатнинг маънавий ва интеллектуал салоҳияти фодасидир. Уларнинг оиладаги ўрни, таълим олиш имкониятлари, соғлом улғайиши, ижтимоий қўллаб-қувватланиши катталарнинг масъулияти ҳисобланади. Боланинг бегонаси бўлмаиди. Улар хар биримизнинг қайғуришимизга, меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатишимизга муҳтож.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойиллари, инклюзив ва эркин таълимга эътибор, улар учун яратилган жисмоний, маънавий-маърифий муҳит келажақда мустақкам пойдеворга эга, билим, ахлоқли ва масъулияти авлоднинг шакллантиришга хизмат қилиши билан таъснинг сазовор.

2021 йилда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашда муҳим тузилмага айланди. Фонд Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамаси муассислигида иш бошлаган бўлиб, жамиятнинг энг нозик қатлами — эртамиз давомчилири манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қамровли фаолиятни амалга ошириб келмоқда.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунин бутун дунёда болалар ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва келажагига нисбатан масъулиятни чуқурроқ англаб етиш, хар томонлама қўллаб-қувватлаш кунин сифатида кенг нишонланади.

Фонднинг асосий йўналишлари муҳтож ва огир ҳолатдаги болаларни аниқлаш ҳамда манзилли ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, огир ва орфан (кам учрайдиган) касалликка чалинган болалар маҳаллий ва хорижий клиникаларда даволанишини ташкил этиш, кам таъминланган оилалар фарзандларини дори-дармон, протез-ортопедик воситалар билан таъминлаш ҳамда ногиронлиги бўлган болалар учун инклюзив таълим, реабилитация ва касб-ҳунарга йўналтириш имкониятларини яратиш кабиларни ўз ичига олади. Шунингдек, “Болаларга табассум”, “Соғлом юрак”, “Эзгулик манзили”, “Моҳир қўллар”, “Келажақ сари” каби ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш ҳам фонднинг вазифалари сирасига киради.

2022-2024 йилларда қийин шароитга тушган, молиявий етишмовчилиги бўлган оилаларнинг бемор, ногиронлиги бўлган болаларига тиббий ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича жами 10 минг 357 та мулоқат келиб тушган. Шундан 7639 боларга чуқурлаштирилган тиббий-диагностика текширувлари ўтказилди. 1070 нафариди тиббий ақиялар давомиди операция амалиётлари бажарилди. 90 нафариди эса хорик клиникалариди операция қилиниб, соғломлаштирилди. 220 болаонга ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб турли ёрдамлар кўрсатилди. 1305 нафарининг таълим олиши учун зарур адабиётлар, техник асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари харид қилинди. 33 бола эса касб-ҳунарга ўқитилиб, ўзини ўзи банд қилиши учун зарур асбоб-ускуналар олиб берилди.

Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Васийлик кенгаши томонидан ўтказилган йилгилишларда 231 та масала муҳокама учун қиритилган. Шу даврда қатор маҳаллий ва чет эл нуфузли клиникалари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди ҳамда огир ташхисли, республикада даволаб бўлмайдиган 110 нафар бемор

бола (илик кўчириш, аъзолар трансплантацияси, ўзақ хўжайралар билан даволаш ва ҳоказо) даволаниш учун нуфузли чет эл клиникаларига юборилди. Бундан ташқари, огир ташхисли 140 бемор бола фонд томонидан олиб келинган чет эл мутахассислари ёрдамида мамлакатимизда жарроҳлик амалиётини ўтказди. Агар санайверсак, амалга оширилган ишлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин.

Фаолиятимизда хар бир боланинг эҳтиёжига мос, манзилли ва барқарор ёрдам кўрсатиш эътибор марказида туради. У боланинг жисмоний ва маънавий ривожланиши, қобилиятини рўбёга чиқариши учун зарур имкониятлар яратишга қаратилган. Улар ўз тенгдошлари қаторида таълим олиши, ижод қилиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши керак. Бу фонднинг хар бир лойиҳасида ўз ифодасини топиши шарт қилиб қўйилган.

Фонд наинки моддий ёрдам тақдим этади, балки инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва бағрикенгликни тарғиб этадиган кўприк вазифасини ҳам бажаради.

1 июнь кунин биз, катталарни болалар учун соғлом муҳит яратиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиққа оид муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликка даъват этиши айни муддао ва бу лозим ҳам.

Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятига қўшилиш, хайрли ишга ҳисса қўиш барча фўқаролар учун очик. Тadbirkorлар, йирик компаниялар, жамоатчилик ва нодавлат ташкилотлар фонднинг расмий веб-сайти — bolalarfondi.uz орқали онлайн хайрия амалга ошириши, лойиҳаларда иштирок этиши, ҳамкорлик тақдифлари юбориши мумкин. Болаларнинг қулиб турган юзи, соғлом ва бахтли ҳаёт кечирishi эса бу хайрли амалларнинг мувофоти бўлади. Келинг, биргаликда эзгуликни тарғиб қилайлик, бошқаларни ҳам ўзимизга эргаштирайлик. Чунки болалар келажаги миллатини келажагидир.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Нуктаи назар



ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ АЛОҚАЛАРИ СОЛНОМАСИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛАДИ

Ўзбек ва венгер халқлари ўзининг бой тарихи, бетақорор маънавий-маданий мероси, жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодалари билан фахрланади. Тарихий ва маданий жиҳатдан умумий хусусиятларга эга икки давлат иқтисодий салоҳияти ҳам кўп тарафлама бир-бирини тўлдирлади.



Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

корликни кенгайтириш баробарида, сифат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқди.

Давлат раҳбарлари ўртасидаги дўстона алоқалар тўфайли йилдан йилга мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигимиз изчил ривожланаётган иқтисодий шериклик самарасида намоён бўлмоқда. Зеро, Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги азалий дўстона муносабат бутун деярли барча соҳада тараққий этиб борапти.

Сўнгги йилларда ўзаро савдо ҳажми ҳам ортиб бормоқда. 2024 йилги маълумотларга кўра, мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш қиймати 78 миллион АҚШ долларидан ошган бўлса, жорий йилнинг январь-март ойларида бу кўрсаткич 25,1 миллион долларни ташкил этди.

Иқтисодий мулоқотда 2021 йилда тузилган Ўзбекистон — Венгрия ишбилармонлар кенгаши ва 2022 йилда ташкил этилган Ўзбекистон — Венгрия тараққийёт жағмағараси фаолияти муҳим ўрин тутди. Унинг асосий мақсади кўшма инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат. 2023-2024 йиллар охирига қадар жағмағара қиймати 100 миллион евродан ортиқ ташаббусларни қўллаб-қувватлади.

Бугун венгриялик ишбилармонлар Ўзбекистондаги энг фаол европалак инвесторлар қаторидан жой олган. Иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари фармацевтика, агросаноат комплекси, озиқ-овқат саноати, маҳсулоти, сув технологиялари бўлиб қолмоқда.

Ҳозир икки давлат ҳам ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга интиломоқда. Мамлакатларининг салмоқли салоҳияти, уни ҳаётга таъбиқ этишдан муштарак манфаатдорлик мавжудлиги, ўзбек ва венгер халқлари ўртасидаги чуқур тарихий илдизга эга ҳамкорлик ва самимий дўстона алоқалар бўйича тўпланган тажриба бунинг учун яхши асос бўлапти.

Президентимизнинг шу йил 19-21 май кунлари Венгрияга расмий ташрифи барча соҳадаги икки томонлама муносабатларимизда янги саҳифа очади. Зеро, мазкур

ташриф жуда самарали бўлди. Икки давлат ўртасидаги дўстона ва манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг хорижий мамлакатларга ташрифи давомиди йирик компания ва иқтисодий ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказиши яхши анъанага айланган. Бу галги ташриф ҳам Венгриянинг йирик компания ва банклари раҳбарлари билан учрашувдан бошлангани бежиз эмас.

Сабаби, мазкур учрашув рамзий маънога эга. Ўз навбатида, уларнинг юртимизга қизиқишини янада оширишга туртки беради. Чунки Венгриянинг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан тўғри инвестицияси жадал ўсиб борапти. “OTR Bank” Ўзбекистоннинг йирик банкларида бирини сотиб олиб, мамлакатимиз молия бозорида барқарор ўрин эгаллагани ҳам бунинг яққол исботи.

Икки мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорлигида парламентлараро алоқалар ҳам катта ўрин тутди. Чунки Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик давлатларимизнинг стратегик шериклигини мустаҳкамлаш, сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар алмашинувларнинг институционал асосларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этапти.

Сўнгги йилларда икки мамлакат парламентлари делегацияларининг ўзаро ташрифи ва учрашувлари фаоллашди. Масалан, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифокнинг 150-йилбей ассамблеясида Миллий мажлис спикери ўринбосари

Янош Латорцаи иштирок этди. Йил якунига қадар Венгрия парламенти спикери ўринбосари ва иқтисодиёт қўмитаси раҳбарининг Ўзбекистонга, мамлакатимиз парламент делегациясининг Будапешт шаҳрига ташрифи уюштирилди.

Ўзбекистон ва Венгрия конституцияларининг ўхшаш жиҳатлари жуда кўп. Масалан, оилавий қадриятлар, фарзанд тарбияси, ота-онага ҳурмат каби миллий қадриятларимизга мос келадиган нормаларни ҳам икки мамлакат бош қонунда учратиш мумкин.

Ташриф доирасида Венгрия Миллий мажлиси спикери Ласло Кёвер билан бўлиб ўтган учрашув Ўзбекистон — Венгрия стратегик шериклик муносабатлари, жумладан, парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мазмунан бойитишга хизмат қилади.

“Кармелита” саройида Президент Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазирини Виктор Орбаннинг тор доирадаги ҳамда расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари чоғида Ўзбекистон — Венгрия стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб қичилди.

Будапештда бўлиб ўтган музокаралар якунида давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Кенгайтирилган стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация икки мамлакат ўртасида барча соҳадаги ҳамкорлиқни мутлақо янги босқичга олиб чиқишга туртки беради.

Инвестицияси ривожланиб бўлмаслигини бутун аста-секин каттаю кичик англаб етмоқда. Чунки инвестиция — бу технология, малакали мутахассис, замонавий лойиҳалар, рақобатбардош маҳсулотлар, валюта тушуми ва ниҳоят бюджетта даромад дегани. Бюджет даромади, ўз навбатида, халқ фаровонлигини таъминлаш манбаидир.

Бугун қўшма инвестиция лойиҳалари портфели 500 миллион долларни ташкил этаётган бўлса, бу галги ташриф учун яна 1,5 миллиард евролик янги лойиҳалар тайёрланган. Венгриянинг “OTR” банки Ўзбекистон молия бозорига чиққани эса Венгрия ва Европа бизнеси учун кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга янги суръат бағишлаб, халқларимиз фаровонлигини ошириш, минтақавий тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Шохрух ДАЛИЕВ,
олий таълим, фан ва
инновациялар вазирининг
биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Ушбу даврда устувор вазифаларнинг ўз вақтида, самарали ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ижро интизоimini янада мустаҳкамлаш, ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг иш юритиш малакаси ва касбий даражасини ошириш мақсадида олий таълим ташкилотларининг ижро интизомига масъул 276 бўлинма раҳбари учун 26 соатлик қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

Бугун вазирилк ва тизим ташкилотларида ҳар бир раҳбар ва ходимнинг иш самарадорлигини ошириш, фаолиятини аниқ мезонлар асосида баҳолаш ҳамда рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, вазирилкда Президентимизнинг 2021 йил 31 майдаги тегишли қарориди белгиланган тартиб асосида ҳар бир раҳбар ва ходимнинг ижро интизомига риоя қилиш бўйича КРИ самарадорлик кўрсаткичлари баҳолаб, қўшимча рағбатлантириш механизми жорий этилган.

КРИ самарадорлик кўрсаткичлари асосида самарали бошқарув тўғри йўлга қўйилгани ҳамда шаффоф ва адолатли тизим жорий этилиши раҳбар ходимларнинг иш вақтини тўғри тақсимлаш, лавозим фаолиятида ўсиши, шунингдек, етук мутахассис бўлишига хизмат қилмоқда.

Шахсий масъулият маданияти — олий таълим ташкилотлари асоси

Айни пайтда давлат бошқаруви ва олий таълим ташкилотлари фаолиятида самарадорлигини ошириш мақсадида электрон назорат тизими жорий этилган. У орқали қабул қилинган қарорлар, топшириқлар ва ҳужжатларнинг ижроси қатъий таътирда назорат қилинади. Ҳар бир вазифа белгиланган муддат ва масъул

шахслар кесимида кузатилади, баҳоланади ва натижалар асосида чора кўрилади.

Бу тизим, аввало, раҳбарларнинг ўз ишига шахсан жавобгар эканини эслатиб туради. Натижада иш самарадорлиги ортади, тизимда ўз вақтида ва аниқ ҳаракат қилиш тамойили қарор топади. Энг муҳими, бу орқали олий таълим ташкилотлари нафақат билим берувчи, балки **интизом ва масъулият муҳитини шакллантирувчи масканга** айланмоқда.

Шахсий масъулият нафақат вазифани бажариш, балки унинг ижтимоий аҳамиятини чуқур англаш ва фидойилик демакдир. Бу ҳар бир ишга виждонан ёндашиш, унинг натижаси жамиятга қандай таъсир кўрсатишини ҳис қилиш, халқ олдидаги бурчини **сидқидилдан адо этиш маданиятидир**. Масъулият инсон ўз вазифасини шунчаки мажбурият деб эмас, балки халқ хизматчиси сифатида улкан ишонч ва имконият деб қабул қилади.

Тизимда фаолият юритаётган ҳар бир профессор-ўқитувчи, ходим, раҳбар ўз ишини виждонан, сидқидилдан бажарса, ана шундагина ҳақиқий янгиланиш, чин тараққиёт юз беради. Зеро, тараққиёт калити билимли, масъулиятли, интизомли мутахассислар қўлида. Ҳар бир соҳада юракдан меҳнат қилган инсонлар бор экан, юрт ривожланади, эл юксалади!

“Олий таълим ташкилотларида шахсий жавобгарлик маданиятини мустаҳкамлаш фақат ички тартиб эмас, балки катта натижалар сари бошловчи кучли пойдевордир. Ижро интизоми эса бу пойдеворнинг асосий устуни. Қабул қилинган ҳар бир фармон ва қарор амалда ўз вақтида, шаффоф ҳамда самарали ижро этилса, ана шунда энг илғор ғоялар ҳаётга татбиқ этилади.”

Акс ҳолда ҳатто энг эзгу ислохотлар ҳам қоғозда қолиб кетиши мумкин. Чунки сидқидилдан бажарилган, режали ва тизимли ташкил этилган ишларгина самара беради. Ишга талабчанлик билан ёндашиш, таҳлил ва назоратни такомиллаштириш, очиқлик ва шаффофлигини таъминлаш орқали ижро интизоimini янги даражага кўтаришимиз мумкин.

Инсон капитали — ислохотлар самарасининг асосий омили

Ислохотлар чинакам самара бериши ва барқарор бўлиши учун, энг аввало, инсон капиталига жиддий эътибор қаратиш зарур. Фақат моддий-техник база ёки ўқув дастурларини янгилаш эмас, балки уларни амалга оширадиган

инсон ресурсларини ривожлантириш, маънавий-ахлоқий салоҳиятини ошириш ҳам муҳим. Зеро, ҳар қандай тизимни ҳаракатга келтирадиган асосий омиллардан бири инсон капиталидир.

Шу боис, биз нафақат замонавий инфратузилма яратиш, балки ушбу тизимда фаолият юритадиган инсонлар — устозлар, раҳбарлар, мутахассисларни маънавий, ахлоқий ва касбий жиҳатдан ривожлантиришни устувор вазифа сифатида белгиланганмиз.

Бугун **олий таълим қамрови 42 фойза** етгани, 2016 йилда эса бу кўрсаткич **агити 9 фойз**ни ташкил этгани статистик кўрсаткичдан кўра, мамлакатимиз таълим соҳасидаги мазмунан мулоқо янги ислохотларнинг самарасини аниқ намоён қилади. Бу жамиятимизнинг **замон талабларига**



мос, янги авлодни шакллантиришга қаратилган сайёҳаракатлари натижасидир.

Олий таълим ташкилотларида сифат, самарадорлик ва мустақиллигини таъминлаш мақсадида жорий этилган туб ислохотлар доирасида **40 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик** берилди. Бу янгича ёндашув, аввало, олийгоҳларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифатини ошириш ҳамда бозор талабларига мос кадрлар тайёрлашда муҳим замин яратмоқда.

Мустақиллигининг амалий ифодаси сифатида келгусида ҳар бир олий таълим ташкилоти **ўқув режалари ва дастурларини мустақил ишлаб чиқиш, тасдиқлаш** ҳуқуқига эга бўлди. Бу орқали таълим мазмунини жаҳон стандартлари ва маҳаллий эҳтиёжларга мос равишда шакллантириш имконияти пайдо бўлди. Шу билан бирга, контракт асосида қабул параметрлини белгилашда ҳам олийгоҳлар мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ушбу ўзгаришлар олий таълим ташкилотларининг масъулиятини ошириш ва рақобатбардош, инновацион фикрлайдиган мутахассислар тайёрлашда муҳим қадим бўлмоқда. **Мустақил ва эркин ривожланиётган олийгоҳлар** келажақ тараққиётининг таянчи ва мамлакат илмий-педагогик салоҳиятининг асосий драйверидир.

Шунингдек, олий таълим тизимида янгиланиш ва соддалаштириш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Илгари мавжуд бўлган ҳар бир таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандарти ўрнига энди икки асосий ҳужжат: **“Давлат таълим стандарти. Асосий қондалар”** ва **“Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”** ишлаб чиқилиб, таълим жараёнига жорий этилди.

Бакалаврият таълим йўналишлари **40 фойз** мақбуллаштирилиб, 306 та йўналиш 183 тага туширилди. Шу билан бирга, нодавлат олий таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш тартиби енгиллаштирилди, лицензиялаш жараёни рақамлаштирилди ва соддалаштирилди. Бугун бундай муассасаларда **170 мингдан**




зиёд талаба таҳсил олмоқда, **15 мингга яқини** ўрни очилган.

Халқаро ҳамкорлик ва илмий салоҳият юксалиши

Айниқса, олий таълим ташкилотларининг халқаро майдондаги нуфузи ва илмий салоҳиятини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар алоҳида эътирофга лойиқ. Сўнгги олти йилда **10 мингдан зиёд** профессор-ўқитувчи халқаро грантлар ва ҳамкорлик дастурлари доирасида нуфузли хорижий олийгоҳлар ҳамда илмий-тадқиқот марказларида малака ошириш ва стажировка ўташ имконига эга бўлди. Бу нафақат шахсий ўсиш, балки бутун таълим тизими учун илмий, услубий ва технологик юксалиш демакдир.

Шу билан бирга, таълим жараёнини жаҳон стандартларига мос равишда ташкил этиш мақсадида **8000 дан ортиқ хориқлик мутахассис** Ўзбекистон олийгоҳларига жалб этилди. Улар бераётган билим, тажриба ва илгор усуллар миллий кадрлар тайёрлашда **янги стандартлар ва талабларни шакллантирмоқда**.

Янги педагогик технологиялар жорий этилиб, ўқитиш ва амалиёт жараёни ўзаро узвий боғланган ҳолда ташкил этилмоқда. Замонавий лабораториялар олиб келинди, таълим



муҳитида жонланиш, янгиланиш, инновация ва замонавий ечимлар даври бошланди.

Бу ислохотлар инсон салоҳиятининг муҳим капитални эканини теран англашга асосланади. Мамлакатимизда таълим ва илм-фанта давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши нафақат табиий бойлиқлар ёки инфратузилма, балки инсон ресурсларига ҳам катта аҳамият берилганини кўрсатади.

Олий ва касбий таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш бугуннинг долзарб талаби. Бунга эришиш учун биз нафақат назарий билимлар, балки амалий кўникмаларга эга, хорижий тиллар ва ахборот технологияларини билувчи, очиқ фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, ақлан, жисмонан ва руҳан соғлом авлодни тарбиялашимиз керак.

Сўнгги йилларда касбий таълим тизими ҳам тубдан ислох қилинди. Халқаро стандартларга мувофиқ **янги таълим дастурлари** жорий этилди, **дуал таълим тизими** кенгайтирилди, **қисқа муддатли касбий курслар орқали** минглаб ёшлар замонавий касбларга ўқитилмоқда. Германия тажрибасига асосланган ўқув усуллари, тадбиркорлик ва чет тилларни ўргатиш курслари ишга туширилди.

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш, янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва таълим жараёнини рақамлаштириш орқали касбий таълим тизими бутунлай янгиланди. Энг муҳими, таълимни меҳнат бозори талаблари билан уйғунлаштириш орқали ёшларга келажакда муносиб ўрин топиши учун мустақкам замин яратилмоқда.

Йўналишимиз аниқ-равшан: билимли, салоҳиятли, шижоатли авлодни тарбиялаб,

мамлакатимиз келажагига пухта замин яратиш. Бу нафақат ислохотлар билан, балки ҳар бир устоз, ҳар бир ота-она, ҳар бир ёшнинг фидойилиги, ишончи ва сайёҳаракатлари билан амалга ошади.

Олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинглардаги муваффақияти

Сўнгги йилларда Ўзбекистон олий таълим ташкилотлари халқаро академик майдонда ўз ўрнини мустаҳкамлаб, нуфузли рейтингларда тобора юқори поғоналарга кўтарилмоқда. Бу эса мамлакатимизда олий таълим соҳасидаги ислохотлар самараси, ўқитиш сифати, халқаро ҳамкорлик ва илмий салоҳият юксалишидан далolat беради.

Хусусан, QS World University Rankings каби дунё миқёсида эътироф этилган рейтинг тизимларида 2024 йилгача бирорта Ўзбекистон олийгоҳи қайд этилмаган бўлса, бугун **20 га яқин** олий таълим ташкилоти **QS, Times Higher Education va GreenMetric** каби халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаб турибди.

Масалан, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети каби ийрик олийгоҳлар тарихда биринчи марта ТОП-1000 талафига киритилди.

Бу ютуқлар таълим сифатининг халқаро мезонлар асосида баҳоланаётгани, илмий тадқиқотлар ва профессор-ўқитувчилар фаолияти самарадорлиги оширилаётгани, қатъий ижро интизоми мавжудлиги сабабли ёшларнинг академик ҳаракатчанлиги таъминланаётгани ҳамда чет эллик талабалар учун ҳам Ўзбекистон олийгоҳлари жозибадор бўлиб бораётганини тасдиқлайди.

Келгусидаги мақсад — Ўзбекистон олийгоҳларининг қамида **10 тасни жаҳоннинг энг нуфузли 500 та университети қаторига** киритишдир. Бу мақсад сари қўйилаётган ишончли қадамлар юртимизнинг таълим соҳасидаги халқаро имижини янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан ислохотларга ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгариштириш ижро интизоми янада мустаҳкамлайди. Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан ислохотларга ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгариштириш ижро интизоми янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан ислохотларга ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгариштириш ижро интизоми янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан ислохотларга ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгариштириш ижро интизоми янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан ислохотларга ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгариштириш ижро интизоми янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан ислохотларга ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгариштириш ижро интизоми янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан ислохотларга ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгариштириш ижро интизоми янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан ислохотларга ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгариштириш ижро интизоми янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан ислохотларга ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгариштириш ижро интизоми янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан ислохотларга ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгариштириш ижро интизоми янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан ислохотларга ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгариштириш ижро интизоми янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан ислохотларга ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгариштириш ижро интизоми янада мустаҳкамлайди.

2023 йил февраль ойи бошларида Туркиянинг бир неча вилоят ва шаҳарларида санокли соатлар ичида икки мартаба кучли зилзила содир бўлди. Натижада мамлакатнинг кўпала қадимий ва гўзал шаҳар ҳамда қишлоқлари вайронага айланди.

Зилзиладан сўнг бир неча муддат ўтган қизим истикомат қиладиган Ҳозантеп шаҳрига борганимда бу вайроналарни ўз кўзим билан кўрдим. Ер ёрилиб кетган жойларни, қўп қаватли бино ва аҳоли уйлари, минг йиллардан буён тик турган қадимий қалъаларнинг бутунлай вайронага айланганини кўриб, анча вақтгача ўзимга келолмай юрдим. Энг ачинарлиси, бу табиий офат 50 мингдан зиёд киши ҳаётига зомин бўлди. Қанчадан қанча инсонлар манзилу маконидан ажралиб, қалблари жароҳатланди.

— Бу офат кўзларимизни очди, ғафлат ўйқундан уйғотди, хотиржамлик ва тинчлик нақадар қадрли, бебаҳо неъмат эканини яна бир бор исботлади, шукр қилишни ўргатди. Осулда ва тинч ҳаёт ганимат эканини оила аъзоларимиз билан англаб етдик, — дейди мен билан суҳбатлашган ёши етмишларга бориб қолган турк отахон.

Қизим айтиб берган мана бу воқеани эслаганимда ҳамон қалбим титрайди. Назаримда, у барчамиз учун ибратга лойиқ воқеа.

“Зилзиладан сўнг шаҳарнинг барча хизматлари инсонларни қўқтариш ва ҳалок бўлганларни кўмиш билан овора бўлди. Қор аралаш ёмғир, изгиринда кўчада қолдик. Қуламаган уйларга кириш мумкин эмас. Чунки зилзила кучли бўлмасда-да, хали тақороланиб турибди. Уч кундан кейин аҳоли учун богда чодирлар ўрнатилди. Ўн кишилик чодирларга 25-30 киши жойлашдик, ерда ётдик. Биз яшаётган чодирга уйи вайрон бўлган навбатдаги оила кириб келдию, ёнимиздаги бошқа оила аъзоларини кўрган заҳоти улардан қайта-қайта уэр сўрай бошлашди. Кейин билсам, биз билан яшаётганлар ҳозир кириб келган бой оиланинг уйда ижарада тураркан. Зилзиладан бир неча соат олдин ижара ҳақини ўз вақтида тўламагани учун уйдан ҳайдаб чиқарилган экан. Тасодифини қарангки, энди бой оила ҳам, муҳтож оила ҳам торгина чодирда яшашга мажбур эди. Бой оила бошлиғи қайта-қайта тавба-тазарру айтиб, иккинчи оиладан уэр сўради”.

ТИНЧ ЭЛНИНГ БОҒИ ГУЛЛАР



Шоқаҳхор САЛИМОВ, Ўзбекистон журналистлари уюшмаси аъзоси

Ҳа, агар бало келса, бой ва камбағалга ажратиб ўтирмайди. Лекин инсон табиати шундайки, токи бирор нарсадан маҳрум бўлмагунча унинг қадрига етмайди.

Зилзила — техноген ҳодиса. Бу каби нохуш ва баъзида фожиаи вазиятлар рўй бериши инсон омилига боғлиқ эмас. Аммо бевосита одам-зоднинг ўйламай бостан қадим, шафқатсизлиги туфайли юз бераётган қанчадан қанча фожиялар, урушлар, бало-қазоларга нима дейсиз?!

Она заминимиз башариятдаги кичик бир нуқта. Унинг қайси бир жойида бирор ҳодиса ёки янгилик рўй берса, дарҳол бутун ер “орга-низм”ига тарқалади, ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олади, ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатади.

Ҳиндистон билан Покистон мамлакатимиздан унча узоқ эмас. Яқинда икки қўшни давлат чегараолди ҳудудиди низо чиққани дарҳол

Дилдаги гаплар

дунёнинг кўпала ҳудудларига, жумладан, бизга ҳам таъсир қилди. Ўша кунларда оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлган қуйидаги мазмундаги хабарларни ўқинг: “Покистон ҳаво ҳудуди ёпилгани сабабли Ўзбекистондан учаётган айрим самолётлар ўз йўналишини ўзгаришига мажбур бўлмоқда. Бу эса парвоз вақти узайишига олиб келмоқда”. “Qanot Sharq” авиакомпаниясининг Тошкентдан Вьетнамнинг Ня Чанг шаҳрига учган НН-2231 рейси энди Қозогистон ва Хитой ҳаво ҳудуди орқали амалга оширилмоқда”. “Uzbekistan Airways”нинг Тошкентдан Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрига учган НУ-553 рейси Туркменистон ва Эрон ҳаво ҳудуди орқали учди” ва ҳоказо.

Афғонистон заминиди бошланган 1978 йилдаги алғов-далғовлар кейин бир қатор йирик давлатлар аралашуви оқибатида анча катта можарога, урушга айланганини биз — ўзбекистонлиқлар яхши биламиз. Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўпала бетуноҳ ўзбек ўғлонлари кимларнинг сиёсий найрангларини хатолари туфайли шу заминда ҳалок бўлгани хали ёдимиздан чиққани йўқ.

Ўша йилларда университетларнинг ҳар-би кафедраларида таҳсил олиб, захирадаги офицер — лейтенант унвонини олган минглаб мутахассислар, жумладан, мен ҳам тинч ҳаёт юмушларидан узилган ҳолда қалбаки, сохта “интернационал бурчни адо этиш учун” ҳарбий хизматга жалб этилдик. Шу сабабли аспирантурада таҳсил олиш менга nasib етмади. Қанчадан қанча ёшларнинг орзулари армонга, сарбога айланди ўша уруш туфайли.

Ўтган асрнинг 90-йилларида ён қўшиммиз Тожикистонда аланга олган уруш ушбу мамлакат аҳолиси учун энг огир, фожиаи оқибатларга олиб келди. 150 минг кишидан зиёд инсон қурбон бўлди, бир миллиондан кўпроқ аҳоли ўз манзил-мақомини тарк этди. Мамлакат иқтисодига 10 миллиард долларга тенг зиён етказилди. Бу урушнинг маънавий-руҳий зарарларининг эса на ўлчови, на сарҳади бор!

Журналист сифатида Афғонистонда тўрт мартаба ижодий сафарда бўлдим. 2002 йил



ноябрь ойида мамлакатнинг шимолида бўлган нимада тахминан 20-25 ёшидаги қуролланган афгон йигитига бир савол бердим, жавобини эшитган ўзим хижолатда қолдим. Ундан “Ога, қаерда таҳсил олгансиз?” деб сўрабман. Унинг озгина жазли чиқди-ю, кейин ўзига келиб, “Биродари ахли, ватанимда чорак асрдан буён уруш кетаятганда мен бечора қаерда ўқийшим мумкин эди. 14 ёшимдан автомат кўтариб, турли ҳарбий гуруҳлар таркибиди урушга кирганимни билман, холос” деб жавоб берди.


Шу каби “ўтган замонлар”га дахлдор мисолларни келтиришимизга бир сабаб бор. До-нишманлар “Ўтмиш, тарих — буюк ўқитувчи, улуг мураббий” деб бежиз айтмаган. Ўзбек халқ мақолларига эътибор беринг: “Бир кун уруш бўлган уйдан қирқ кун барак кўтарилар”, “Тинчлик билан эл кўқарар, ёмғир билан — ер”, “Тинч элнинг боғи гуллар”, “Олам тинч — хонам тинч”, “Уруш — йўқлик, тинчлик — тўқлик”, “Қор эриб, тоғи қолар, уруш ўтди доғи қолар”.

Жорий йил 8 май кунин Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш кунин муносабати

билан Ҳалаба боғида жамоатчилик вакиллари билан учрашувда юртимиздаги тинчлик, хотир-жамлик, уларни асрашимиз, қадрига еттишимиз ҳақида гапирар экан, бундай деди:

“Бизнинг энг катта бойлигимиз — бу тинч ва осийшга ҳаётимиз, Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг омонлигидир. Бугунги кунда барча ҳаракат ва ислохотларимиз, ҳамма эзгу ниятларимиз бир улуг мақсадга — давлатимиз истиклоли, эл-юртимизнинг тинчлиги ва осийшталлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Энг катта мақсад-муддаомиз меҳнатқаш, мард ва олижаноб халқимизни рози қилишдан иборат.”

Бугунги кунда дунё миқёсида вазият қандай таҳликали бўлиб бораётганини ҳаммамиз кўриб билиб турибмиз. Фақат иқтисодиётда



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Юртимизда сўнгги йилларда энергия қувватларини оширишда барча манбалардан фойдаланилмоқда. Шулардан қулай ва самаралиси гидроэнергетикадир. Ундан олинadиган электр таннархи нисбатан анча арзон. Қолаверса, гидроэлектр станциялар қурилиши нафақат иссиқхона газларисиз энергия ишлаб чиқариш, балки қишлоқ хўжалиги ва аҳолини обиҳаёт билан таъминлаш йўлида ҳам муҳим бўлган сув ресурсларини самарали бошқаришга ҳам йўл очади.



Иновация

ВАЗИЯТЛАР МАРКАЗИ:

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 мартдаги “Республика ҳудудларида микро гидроэлектр станциялари тармогини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги муҳим ишларга старт берди. Қарорда 2025-2026 йилларда республика ҳудудида жами қуввати 164 МВт бўлган 2983 та микро ГЭС қуриш ва йилига 500 миллион кВт-соат экологик тоза электр энергиясини ишлаб чиқариш марраси олинган. Микро ГЭСларни ишга тушириш ҳисобига 280 минг юрtdошимизни электр энергияси билан таъминлаш имкони пайдо бўлади.

Хўш нима учун “яшил” энергия, хусусан, гидроэлектр станцияларга катта урғу берилмоқда? Келинг, бунни қазилма бойликлар воситасида олинadиган энергия билан солиштириб кўриш орқали ойдинлаштирамиз. Маълумотларга кўра, республикамызда йил бошидан апрель ойининг 13-санасигача барча гидроэлектр станциялар ва қуёш ҳамда шамол электр станциялари томонидан 3 миллиард 707 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилган. Бунинг натижасида 1 миллиард 112,1 миллион куб метр табиий газ тежаланишга эришилди, атмосферага 2 миллион 179 минг 716 тонна карбонат ангидрид ва 2 минг 179,7 тонна азот оксиди чиққшининг олди олинди. Мазкур ҳажмдаги электр энергияси 4 миллион 633 минг 750 та хонадоннинг 4 ойлик ёки 1 миллион 544,6 мингта хонадоннинг бир йиллик талабини қондиради. Кўриниб турибдики, бу энергия тежамкорлик билан бирга, экология учун ҳам фойдалидир.

Бироқ қайта тикланувчи энергия манбалари ривожини муаммоларни ўз-ўзидан ҳал қилмайди. Хусусан, ГЭСлар сув ресурслари чеклангани ва экологик оқибатлар билан боғлиқ муаммолар олиб келиши мумкин.

Ҳозирги даврда ҳар бир тармоқ аниқликка ва реалликка таянади. Бу электр энергияси тизимига ҳам тааллуқли. Айниқса, сув омборлари хавфсизлиги электр энергияси, қишлоқ хўжалиги, аҳоли хавфсизлиги учун муҳим масала.

Бугунги кунда ГЭСлар, сув омборлари ва улардаги гидротехника иншоотлари хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлашда замонавий рақамли технологияларни жорий этиш, назорат-ўлчов қурилмаларидан олинadиган маълумотларни инсон омилсиз автоматик диагностика ва онлайн мониторинг қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Ўзбекистонда илк мартаба АҚШ, Канада, Буюк Британия, Швейцария, Италия, Словакия ва Хитойнинг нуфузли компаниялари ижобий тажрибасини ўрганиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида техник ва ташкилий узилишларни бартараф этиш ҳамда ахборот тизимлари ягона комплексни жорий этиш йўли билан гидроэнергетикада гидротехника иншоотларининг хавфсиз ишлашини таъ-

минлашга қаратилган ахборот тизимларининг ягона мажмуаси — Вазиятлар марказини ишга туширди.

— Вазиятлар маркази АЖ бошқарувидаги сув омборларидаги сув ресурслардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш, сув омборларидаги асосий кўрсаткичларини онлайн бошқариш, диагностика қилиш масалаларини автоматлаштириш учун ташкил этилди, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ етакчи мутахассиси Жаҳонгир Ахрорқулов. — Бу марказ сув омборларидаги сув ресурслари, назорат ўлчов қурилмалари ҳамда гидроэлектр станцияларда кунлик электр қувватлари ишлаб чиқаришнинг рақамлаштириш, автоматлаштиришга хизмат қилади.

Марказ жойлардаги тизимларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаб, жамият тасарруфидagi жами 6 та сув омбори ҳамда 80 тадан зиёд катта

тиш бўйича мезоний кўрсаткичлар белгиланди. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқарувидаги сув омборларида тўлиқ автоматлаштирилган тизим яратилди.

Бундан ташқари, тизимда Германиянинг Ер тадқиқотлари марказининг “Марказий Осиёда сув” лойиҳаси томонидан ҳудудда сув захираларини аниқлаш, узлуксиз космик қузатувларга асосланган сув захирасини мониторинг қилиш “MODSNOW” дастури жорий этилди. Бу билан сунъий йўлдошдан олинган фото ва видеосуратлар ёрдамида математик ҳисобларни амалга ошириш орқали қор захирасини катта аниқлик билан ҳисоблаш имкони яратилди.

Вазиятлар маркази фаолияти тизимдаги электр энергияси ишлаб чиқариш, гидро-техник иншоотлар барқарорлиги ва хавфсизлигини ишончли таъминлаш, иншоотлар умумий эксплуатациясидаги барча техно-

“Тизимда Германиянинг Ер тадқиқотлари марказининг “Марказий Осиёда сув” лойиҳаси томонидан ҳудудда сув захираларини аниқлаш, узлуксиз космик қузатувларга асосланган сув захирасини мониторинг қилиш “MODSNOW” дастури жорий этилди. Бу билан сунъий йўлдошдан олинган фото ва видеосуратлар ёрдамида математик ҳисобларни амалга ошириш орқали қор захирасини катта аниқлик билан ҳисоблаш имкони яратилди.



Қулайлик



УЧИНЧИ ВА KEYINGИ ТЎЛОВ БЕПУЛ

ЭНДИ НАВОИЙ ШАҲРИДА ҲАМ ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ҚАТНАЯПТИ

Яқинда хизмат сафаридан қайтган Каримжон дам олиш кунларини ўтказиб, эрта тонгдан ишга отланди. Навоий шаҳрида жамоат транспорти йўқлиги туфайли ҳар кун ишга тақсид катнайди. Маошининг чорак қисми асосан, йўлқира учун сарфланади.

У тақсига қўл кўтаришга чоғланган эди ҳамки ёғинасига автобус келиб тўхтади. Одатда шаҳарда йирик корхона ва ташкилотларнинг ишчи-ходимларига мўлжалланган махсус автобуслар ҳаракатлангани учун эътибор бермади.

— Йўл бўлсин! Ҳайдовчининг овози хаёлини бўлди. Каримжон иккиланиб борар манзилни айтиди.

— Келинг, биз сиз айтган жойдан ўтамай. Йўналишимиз шундай, — деди ҳайдовчи ва Каримжоннинг ҳайрон бўлиб турганини кўриб яна сўзида давом этди: — Шаҳримиз аҳолиси учун жамоат транспорти қатнови йўлга қўйилганини эшитмаган кўринасиз. Бу замонавий автобуслар энди шаҳар бўйлаб йўловчиларга хизмат кўрсатади.

Ҳақиқатан, Каримжон бу янгиликдан беҳабар эди. Автобустга чиқиб, йўловчилар учун яратилган шaroитлардан, айниқса, йўл ҳақи ҳамёнбоплигидан мамнун бўлди. Қолаверса, автобус йўналиши ишончаси олдида ўтиши унинг учун аини мудоао эди.

Навоий вилояти мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутадиган ҳудудлардан. Айниқса, вилоят маркази — Навоий шаҳри йилдан йилга кўркам қиёфа касб этиб, бунёдкорлик майдонига айланган. Қолаверса, сўнгги йилларда шаҳар ҳудуди янада кенгайди. Аммо шаҳарда жамоат транспорти йўқлиги неча йиллардан бунён ҳал этилмаётган масалалардан бири бўлиб қолган. Ушбу муаммо шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига қатор қийинчиликлар туғдираётган.

Жумладан, шаҳарда жамоат транспорти йўқлиги сабабли йўловчи такси хизматлари йўлга қўйилган ва уларнинг йўлқираси аҳоли



ҳамда бир кунда 10 мингта яқин йўловчига хизмат кўрсатади.

— Автобуслар қатновидан одамлар жуда хурсанд, — дейди ҳайдовчи Фуқрат Азимов. — Уларга хизмат қилаётганимиздан биз ҳам мамнумиз. Автобуслар замонавий, йўловчилар учун барча қулайлик яратилган. Йўл ҳақи ҳам арзон. Навоий шаҳрида анча йилдан бунён жамоат транспорти йўқлиги аҳолининг асосий муаммолардан бири эди. Бу масала ҳал этилганидан, шундай муҳим воқеанинг иштирокисини бўлиб, халққа хизмат қилаётганимдан хурсандман. Асосий мақсадимиз — йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиб, манзилига саломат етказиш.

Навоий вилояти марказида ҳаракатлана бошлаган автобусларда йўловчиларга енгиллик яратиш мақсадига замонавий электрон тўлов тизимини ўрнатиш, йўл ҳақини банк пластик карталари ва жамоат транспорти карталари орқали (1600 сўм) ҳамда нақд (2000 сўм) кўринишда тўлаш бўйича вилоят ҳокими қарори чиқди. Унга кўра, бир йўловчи учун бир соат ичида биринчи йўлқира 1600 сўм,



учун бир неча баробар қимматга тушадигани ҳам бор гап. Ушбу муаммога барҳам бериш учун изчил амалий ҳаракатлар қилинди. Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги “Ҳудудларда жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Навоий вилоятида жамоат транспорти қатновини тубдан яхшилаш мақсадига Навоий шаҳрига 60 та автобус олиб келиш бўйича чет эл компаниялари билан шартнома имзоланди. Айни вақтдаги автобусларнинг 18 таси шаҳарда киттичлар, қатновга қўйилди. Бу савий-ҳаракатлар туфайли вилоят аҳолисининг ўзоқ йиллик орузси амалга ошди. Жорий йил апрелдан Қармана туманидаги автошўбебатда автобусларнинг шаҳар бўйлаб белгиланган йўналишларда ҳаракатланишига старт берилди.

— Бугун “Ахмедов Гранд груп” масъулияти чекланган жамияти томонидан 12 та ҳамда “Навоий Транспорт Экспедиторлик” корхонаси томонидан 6 та замонавий автобус халқимиз учун хизмат кўрсатишга йўл олди, — дейди Навоий вилояти транспорт бошқармаси бошлиғи Бекзод Раҳимов. — Бу хушхабар вилоятимиз аҳолиси томонидан хурсандчилик билан кутиб олинди. Ҳайдовчиларга автобуслар қалити тантанали топширилди. Улар яхши кайфиятда ўз иш тартиби бўйича йўналишларда иш бошлади. Ҳудудда жамоат транспортини йўлга қўйиш, тизимини тақомиллаштириш ва одамларнинг узоқини яқин қилиб, қулайликлар яратиш ишлари давом этмоқда.

Биринчи босқичда автобуслар “Навоий автовокзали — вилоят автойўл бошқармаси” ва “Тинчлик кўргони — Малика автостанцияси” йўналишлари бўйлаб ҳаракатланади

иккинчиси 1000 сўм, учинчи ва кейинги тўлов бепул бўлиши белгиланган. Натижада шаҳар аҳолисининг жамоат транспортдан фойдаланиш даражаси ўртача 19 фойздан 70 фойзга етказилди. Автобуслар қатнов оралиғи 25-30 дақиқадан 8-10 дақиқача қисқартирилди.

— Ўзоқ йилдан бунён Навоий шаҳрида яшайман, — дейди меҳнат фахрийси Тўлиби Окбўтаев. — Шаҳарда жамоат транспорти йўқлиги туфайли такси хизматидан фойдаланишга мажбур эдик. Тақсиди бир жойга бориш 5000 сўм бўлса, юмушингиз биттунича уч-тўрт манзилга борсангиз, 15-20 минг сўм тўлашга тўғри келарди. Йўловчиларда бошқа танлов ҳам йўқ эди. Бу, албатта, аҳоли учун қийинчилик туғдирарди. Ўзоқ йиллик муаммога барҳам берилгани биз, нурунийларни ҳам хурсанд қилди. Барча шаҳарда жамоат транспорти бор, лекин неча Навоий шаҳрида йўқ, деган савол барчамизнинг юрагимизда тугун бўлиб турарди. Энди аҳоли олдида танлов бор. Қурби етган такси хизматидан фойдаланаверади.

Айни вақтда автобусларнинг мунтазам ҳаракатланиши, тозаллиги, қиш кунлари иситиш тизими, ёз кунлари совитиш тизими беникусон ишлаши, ҳайдовчиларнинг кийиниш ва муомала маданиятини назорат қилиш учун Навоий вилояти транспорт бошқармасида марказлашган диспетчерлик маркази фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, автобуслар ҳаракатига қулайлик яратиш мақсидида Навоий шаҳрининг Ислом Каримов, Амир Темур, Меъморлар ва Ғалаба кўчаларида жами 7 километрлик алоҳида автобус йўлаклари ташкил этилди.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Муносабат “ЯШИЛ” КЕЛАЖАК УНИ БУНЁД ЭТИШ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА



Севера ФАЙЗИЕВА, халқ депутатлари Тошкент шаҳри кенгаши депутати

Қарорда нафақат стратегик йўналишлар, балки ҳар бир фуқаронинг ҳаётига таъсир этувчи амалий чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, ушбу концепция мамлакатнинг барқарор ривожланиши, экологик хавфсизлигини таъминлаш, аҳолида атроф-муҳитга онгли муносабатни шакллантириш, табиат олдидаги масъулиятни оширишга қаратилган.

Экологик маданиятни оширишдаги энг катта амалий ташаббуслардан бири “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасидир. Мазкур ташаббус доирасида ҳар йили миллионлаб туپ дарахт ва бутта қўчати экилиб, шаҳар ва қишлоқлар кўкаламзор ҳудудларга айланттирилмоқда. Бу нафақат ҳавони тозалаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш, балки аҳолида экологик маданиятни шакллантиришда ҳам муҳим.

Махсус уюштирилган ҳашарлар, мактаб ва олий таълим муассасаларида ўтказилаётган кўчат экиш акциялари ёш авлоднинг атроф-муҳитга масъул бўлишга ундамоқда. Бу жараёнда аҳолининг барча қатлами бирдек иштирок этаётир.



Шаҳар ва қишлоқларда чиқинди билан боғлиқ масалалар йиллар давомида фақат санитария нуқтаи назаридан кўрилган. Энди ёндашув ўзгармоқда. Концепциядаги муҳим йўналишлардан яна бири маҳаллаларни чиқиндидан тозалаш ва мунтазам назорат қилиш тизимини яратишдир.

Бу йўналишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари кенг жалб этилиб, аҳоли ўрта-сида чиқиндисиз ҳаёт тарзини тартиб қилувчи акция ва ўқув семинарлари ўтказилади.

Демак, фуқаролар чиқиндини саралаш, қайта ишлаш ва экологик тозаликни сақлаш маданиятини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Экологик маданиятни юксалтиришда ёшларнинг иштироки алоҳида ўрин тутайди. Айниқса, олий таълим муассасалари талабалари томонидан ташкил этилadиган эко-волонтерлик ҳаракати бу борадаги ишларда муҳим бўгин вазифасини бажаради.

Эковолонтерлар фаолияти доирасида дарахт экиш, тозалик акциялари, экологик

флешмоблар ўтказилади ва аҳоли орасида соҳага онд фойдаланиш маълумотлар тарқатилади. Бу ҳаракат нафақат талабаларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантиради, балки бутун жамиятнинг ижобий ўзгаришлар сари етаклайди.

Концепция доирасидаги ҳар бир амалий ҳаракат ортда муайян даражада сиёсий ирода ётади. Мана шундай сиёсий кучлардан бири Ўзбекистон Экологик партиясидир. Партия фаоллари концепция доирасидаги барча ташаббус ва ислохотларда фаол иштирок этади. Жумладан, улар савий-ҳаракати билан қонунчилик ташаббуслари, жамоатчилик назорати ва аҳолини экологик ҳуқуқий билимлар билан таъминлаш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқарилади.

Қўллаб ҳудудларда экологик сессиялар, жамоат ушитувлари ўтказилади, “Экологик маҳалла” ва “Яшил ўртоқлик” каби дастурлар жорий этилади. Бу орқали аҳолининг экологик масалаларга муносабатини янада фаоллаштириш мумкин.

2030 йилгача аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган концепция Ўзбекистоннинг барқарор экологик келажагини яратишга қаратилган дастурий ҳужжатдир. Агар бугун ҳар биримиз камда бир туپ дарахт эхас, чиқиндини сараласак, фарзандларимизни табиатини севинишга ўргатсак, демак, бу концепция қоғозда эмас, амалдаги самарали норматив ҳужжатга айланади.

Пировард натижада “Яшил макон” лойиҳаси, эковолонтерлар ҳаракати ва маҳаллалардаги амалий тадбирлар атроф-муҳитни яхшилаш билан бирга бутун жамият онгини ўзгарттиришга хизмат қилади.

